



ЭРТАК ЖАНРИДАГИ ЎЗБЕК АНИМАЦИОН ФИЛЬМЛАРИ

Ибраймов Рафатдин Зинатдинович

Камолиддин Беҳзод номидаги, Миллий рассомлик ва дизайн институти, Мультфильм ва компьютер мультипликацияси бўлими 2-курс магистранти

Аннотация: Мазкур мақола анимациядаги эртақ жанри ҳақида. Эртақ асосида олинган анимацион фильмлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: жанр, анимация, сюжет, метафора, аллегория, фольклор, эртақ, конфликт, ғоя.

Мамлакатимиз кино санъати бир асрдан зиёд тарихга эга бўлиб, ўзига хос тараққиёт йўлини босиб ўтди. Бу давр мобайнида ўзбек киносининг пойдевори яратилиб, у халқимизнинг маданий-маънавий ҳаётида муҳим ўрин эгаллади.

Мустақиллик йилларида миллий кинематография ривожига давлатимиз томонидан қаратилаётган катта эътибор натижасида соҳада муайян ютуқларга эришилди. Мазмун ва шакл жиҳатидан ранг-баранг кино асарлар яратилиб, улар томошабинлар эътиборини қозонди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга асосланиб, халқимиз, аввало, ёшлар онига миллий истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, она Ватанга муҳаббат туйғуларини сингдиришда катта таъсир кучига эга бўлган кино санъатининг ролини ошириш, "Ўзбеккино" Миллий агентлигининг фаолиятини такомиллаштириш мақсадида куплаб куплаб қарорлар қабул қилинди.¹

Анимация санъати ҳар қандай бадиий ғояни амалга оширишда чексиз тасвирий воситалар манбаига эга. Анимацион сюжет қоида тариқасида, метафора, рамз, аллегория, ассоциация орқали амалга оширилади. Бу содда болалар эртагидан қаҳрамонлик эпосига, карикатура ва юморлардан тортиб кундалик сиёсий сатирагача, анимация санъатининг кенг жанр доирасини белгилайди.

Ушбу жанрларнинг ҳар бири ўзига хос ифода воситаларини ва умумий мақсад – анимацион фильм яратишга қаратилган драматик шаклни топиши керак.

Жанрлар ўзларининг ички тузилиши ва ўхшаш хусусиятлари асосига эга. Улар бир-биридан, энг аввало, муаллифнинг воқеликка муносабати билан ажралиб туради ва бу уларнинг ҳар бирида намоён бўлади.

Ғоя туғилганда жанр белгиланади, режалаштирилган фильмнинг мавзуси танланади, сюжет йўналиши, конфликт ва персонажларнинг хусусиятлари ўйлаб топилади. Жанр мезони характер талқини, муаллифнинг дунёни идрок этиши, бу талқинни шакллантиради.

¹ Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида - Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 07.08.2017 йилдаги ПҚ-3176-сон





Анимацияда халқ оғзаки ижоди намуналари кенг қўлланилади. Булардан: эртақ, афсона, қаҳрамонлик дostonлари, урф-одатлар, масаллар, мақоллар, топишмоқлар ва қўшиқлар булиб ҳисобланади. Уларда кўп авлодларнинг ҳаётий тажрибаси ва ҳикматлари бор. **Эртақ** - халқ оғзаки ижодининг асосий жанрларидан бири булиб, тўқима ва уйдирмага асосланган сеҳрли, саргузашт ва маиший характердаги эпик бадиий асар. 2Доно халқимиз “Эртақлар-яхшиликга этаклар”, деб бежиз айтишмаган. Эртақлар болаларнинг маънавий тушунчалар ва инсоний кадриятлар моҳиятини англаб етишида муҳим аҳамият касб этади. Улар болаларнинг хотираси, диққат-эътибори, тафаккурини ривожлантиради. Эртақ болаларда эзгу ҳислатларни тарбиялаш, инсоний хусусиятларни тарғиб этиш, улар ўртасида ўзаро дўстона муносабатларни кенг ва мустақил фикрлашга ўргатади.

Ҳар бир асар (эртақ, топишмоқ, дoston) ўзига хос жанр хусусиятларига эга, шунинг учун биз ўхшаш асарларнинг ҳар бир гуруҳи ҳақида турли жанрдаги асарлар ҳақида гапиришимиз мумкин.

Халқ оғзаки ижодининг ҳар қандай жанри сингари эртақ ҳам ўз бадиий хусусиятларини сақлаб қолади ва шу билан бирга эртақ, асрлар давомида келаётган халқ оғзаки ижодининг натижасидир. Ҳар бир халқнинг эртақлари, улар асосида мавжуд бўлган воқеликни ўзига хос тарзда акс эттиради. Эртақларда одамларнинг интилишлари, бахт-саодатга интилиши, ҳақиқат ва адолат учун кураш, она юртга муҳаббат ўз ифодасини топади. Шундай экан, дунё халқларининг эртақларида умумийлик кўп. Шу билан бирга, ҳар бир халқ ўзига хос эртақ ва дostonини яратади.

Болалар эртақлари уларнинг сўз бойлигини кенгайтиради, диалогни тўғри қуришга ёрдам беради, изчил мантикий нутқни ривожлантиради.

Эртақлар болани ҳамдард бўлишга, пушаймон бўлишга, сезгир бўлишга, тинглашга ва ўрганишга ва ўйлашга ўргатади. Яхшилик ва ёмонликни ўргатади. Мультфильмлар ёрдамида бола қаҳрамонларнинг ҳаракатларини мустақил равишда таҳлил қилишни ўрганади.

Эртақлар олами - бу орзулар ва хаёллар олами.

Эртақ мультфильмлар боланинг ҳис-туйғуларини, унинг атрофидаги бутун дунё билан муносабатларини ривожлантириш учун мавжуд воситалардан бири. Эртақ жанридаги мультфильмлардан болалар жуда кўп билимларни оладилар. Мультфильмлар туфайли бола дунёни нафақат ақли, балки қалби билан ҳам ўрганади.

Ўзбекистонга анимация санъати XX асрнинг 1965 йили қўғирчоқ технологиясида кириб келди. Кино соҳасида фаолият юритиб келган истеъдодли ижодкорлар Ю.Петров ва Д.Салимов ўзбек анимациясининг отаси ҳисобланиди. Чунки илк ўзбек анимацион фильм ушбу ижодкорларнинг изланиши ва машаққатлари натижасида юзага келди. Ўзбек халқ эртаги асосида миллийликни акс эттирувчи илк қўғирчоқ қаҳрамонлар Зумрад ва Қиммат образи орқалида таниш бўлган «Сеҳрли сандиқ» (1966) анимацион фильми яратилди. Фильм сценарийсига бу икки ижодкор Д.Салимов ва Ю.Петров муаллифлик қилиб, қўғирчоқ қиёфасидаги персонажларни яратишда қўғирчоқбоз-мультипликаторлар В.Ступаков, Ф.Томашевский, қўғирчоқ ва декорацияларни тайёрлашга С.Страшнов, Э.Полеектов, Н.Аюповлар жалб этилган.3 1992 йил М.Маҳмудов, 19-асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод қилган англиялик ёзувчи Оскар Уайлднинг «Бахтли шахзода» номли ҳикояси асосида (перекладка) анимацион фильм яратади. Фильм икки

² Эртақ- Википедия очик энциклопедия uz.wikipedia.org

³ Ўзбек анимация санъати-<https://jahonadabiyoti.uz>



қисмдан иборат бўлиб, унда инсонийлик ҳис-туйғулари етакчи саналади ҳамда қаҳрамонларнинг ҳаяжони, ўй-кечинмалари ва руҳияти кучли талқин этилади. Фильм учун ижодкор М.Маҳмудов Ўзбекистон кино арбоблари уюшмасининг Гриффин мукофоти (1993) муносиб кўрилади.

Кейинчалик «Булбул» (1999) М. Маҳмудов, «Чироқ кутарган мушук» (2004) М. Маҳмудов, «Бор барака» (2005) Д.Власов, «Ур тукмоқ» (2006) С.Чуфарнов, «Қирқ ёлғон» (2007) С.Чуфарнов, «Икки қўшни ва қовун» (2007) А.Мухамедов, «Шодмон-полвон» (2008) М. Маҳмудов, «Юз қоп қор» (2009) Д. Власов, «Зўраки фолбин» (2009) М. Маҳмудов, «Хунарманд шахзода» (2009) К.Рузметова, «Моҳир кўллар» (2009) М. Маҳмудов, «Тўғривой билан Эгривой» (2010) К.Рузметова, «Семурғ бахт қуши» (2010) Н.Саломова, «Сехрли дарахт» (2012) А. Мухамедов, Д. Власов, «Уддаброн шогирд» (2012) А. Мухамедов, «Бўз бола» (2012) М.Кудрина, «Олтин тарвуз» (2012) С. Силка, «Чалпак ёққан кун» (2013) А.Мухамедов, Д.Власов, «Сехрли қалпоқча» (2013) Н.Тулахужаев, «Кенжа ботир» (2017) Ж.Турдихужаев, ҳамда М.Маҳмудов, Н.Тулахужаев, Д.Власовларнинг «Қуёш юрти пахлавони» (2017) каби кўплаб анимацион фильмлари суратга олинди. Ўзбек халқ эртаклари асосида яратилган анимацион фильмларимиз орқали болалар ўз ватанининг ўтмишини, аجدодлари ким бўлганини, қандай шахслардан ўрнак олиш кераклигини кашф этиб борадилар, ота –она , миллат олдидаги бурчини теранроқ ҳис этади. Уларнинг қалбида миллий ўзлик ва ғурур туйғуларини уйғотади. Эртактлар асосида яратилган фильм ва анимацион фильмларга эҳтиёж, билим ва тасаввурни бойитишга бўлган эҳтиёждан келиб чиқади. Бу эҳтиёж айниқса, болаларни билимларини янада ошириш учун юзага чиқади. Эртактларни тасвирий воситалар орқали етказиш қанчалар самарали восита саналиши ҳаммамизга маълум. Анимацион фильм болага завқ, яхши кайфият берибгина қолмай, турли соҳаларда билимини ва онгини ўстириши мумкин. Шу билан бирга болаларга ўз юрти, миллийлигини сўзлайдиган анимацион фильмларлар орқали ватанпарварлик, юртига ва халқига муҳаббат туйғуларини сингдиришда фойдаланилади. Шу жиҳатдан ҳам анимация соҳасида халқ эртактларига мурожаат қилиш, фильмнинг жанр жиҳатидан ўрганилиши ва экранлаштирилиши мақсадга мувофиқдир.

«Сехрли сандиқ» 1966 йили режиссёр Дамир Салимов ва рассом Юрий Петров томонидан «Ўзбекфильм» киностудиясида ўзбек халқ эртаги “Зумрад ва Қиммат” эртаги асосида суратга олинган. Бу анимацион фильм қайсидир маънода халқ орзуси бўлиб ҳисобланади. Аммо кўпроқ болалар эртаги бўлганлиги учун ёш қизалоқлар учун угут насихатдир. Сценарий троекторияси буйича қилинган хатти ҳаракатга яраша мукофот ҳам бор деган фикрни кўриш мумкин. Бунда яхшилик ва ёмонликни яққол конфликт сифатида иккита қизалоқни мисолида кўрса бўлади.

Анимацион фильмда қаҳрамон образларини ёритишда қуғирчоқ технологиясидан самарали фойдаланилган. Зумрад ва Қиммат, чол ва кампирни образ ва характери қуғирчоқ кўринишларида, уларнинг мимикаларида кучайтириб берилган. Ушбу анимацион фильмида илоҳият табиатга кўчирилган. Инсон қўли билан яралган қишлоқдаги хонадонлар ва мўжизавий илоҳият қўли билан яралган табиатдир. Буни Зумрад ва Қимматнинг ўрмонга чиқиш саҳнасида кўришимиз мумкин. Воқеа давомида эса ҳар бир қилинган хатти ҳаракат албатта илоҳият тамонидан жавоби буйича кўрсатилган.

«Ур тукмоқ» 2006 йилда Сергей Чуфарнов томонидан «Ўзбеккино» миллий агентлиги буюртмасига биноан, «Ўзбекфильм» киностудиясида, ўзбек халқ эртаги асосида суратга олинган. Мазкур анимацион фильм пластилин техникасида ишланган. Ушбу эртақ кўпчилик эртактлар каби яхшилик ва ёмонлик, адолат, оддий халқ орзусини руёбга чиқариш каби





мазмунни келтириб чикаради. Эртак узи асосан оддий халқнинг орзулари. Чунки эришилмаган мақсадни айнан эртакларда акс эттирган ва уша эртаклар асосида ўз мурод мақсадларига эришган.

Бу эртакта асосий конфликт нафсни тийиш сифатида бой ва камбағал икки инсоннинг нотенглиги сабабли, улар орасидаги зиддият баён этилган. Яъни, камбағал чол ва кампир кунини утказиш учун “илоҳият”дан нажот олишидир. Лекин бу нажотга, очкўзликни халақт қилишидир. Конфликт бу ерда нафсга очкўзликдир. Буни анимацион фильмнинг бир қатор тасвирий ечимларида кўрса бўлади. Бутун анимацион фильм эса чархпалакга курилган. Чархпалак – бу ҳаёт, шунинг учун ҳам барча мизан сахналар шу чархпалак ҳаракатида содир бўлади. Биринчи кадрданок ов сахнасида яхшилик ва ёвузликни кўрса бўлади. Илоҳият ва унга қарама- қарши ёвуз куч тасвирланган. Кейин эса кун ва тун: барча яхшиликлар, илоҳиятдан берилган нажот кун пайтида, барча ёмонликлар эса фақат тунда кечади. Яъни илоҳият кучини, ёвуз куч енгмоқчи булиши. Лекин инсоннинг ғаразли ёвузлигини биргина илоҳиятнинг тукмоҳи, ҳақиқатни қарор топдиради. Бундан ташқари ранглар буйича кундуз пайт иссиқ калоритда, тун пайти эса совуқ калоритга ажратилган. Лайлакни “илоҳиятини” чархпалак марказига олинган, чунки бутун ҳаётни, бутун коинотни илоҳият кучи бошқаришга урғу берилган. Сузана устида тасвирланаётган тасвир ва ҳаракатда қайсидир маънода коинотни ҳам тушунса бўлади. Бундан келиб чиқадики адолат тарозиси, илоҳият ёрдамида қарор топишини тушуниш мумкин.

Режиссёр Нозим Тўлахўжаев томонидан суратга олинган “Мешкобнинг бахти”(2008) анимацион фильми ҳам ўзбек халқ эртаклари асосида ишланган. Ушбу анимацион фильмда мешкоб йигитнинг оққан сувнинг қадрини сезмаганлиги ҳақида баён этилган: камбағал йигит оддийгина сув сотиб кунини ўтказиб юрган пайт, унга “илоҳият” бахт тухфа этади ва бу бахтнинг қадрини билмаган мешкобдан ушбу бахтни қайтариб олади. Бу эртақ асосида ишланган анимацион фильм болалар учун мўлжалланган бўлиб, уларга “қўлингга келган бахтни қадрига етиш”ига ундайди.

Асосий қаҳрамон сифатида сув сотувчи мешкобни олингани бежиз эмас, чунки сув тириклик, бахт, бойлик, соғлиқ, малҳам манбайидир. Оддийгина бир пиёла сув билан мусофир чолнинг чанқоғини қондиргани боис, бир ўзигагина эмас, балки бутун халқни бахтли қиладиган мукофот ҳадия олганди. Лекин бу бахтни ҳамма билан эмас, балки ҳасислиги тутиб, якка ўзига қолдирмоқчи бўлди. Бу ҳолатни кўрган илоҳий куч берган неъматини қайтариб олишга қарор этади.

Бадий тасвир жиҳатидан сувга контраст сифатида барча фон колоритини кум рангини олган ва бу асарнинг мазмун моҳият таъсирчанлигини янада оширган. Қаҳрамон либоси ҳам воқеа ривожига қараб оқ рангдаги кийивдан тўқ рангдаги кийимга ўзгаради. Қўшимча учинчи пландаги персонажлар эътиборни жалб қилмаслиги учун силуэт ва сояларда куринган, айниқса халқдан пул йиғишидаги сахнада соялар бадий образни янада бойитган.

Персонаж образларини машҳур авангард рассоми Александр Николаев (Усто Мумин)нинг “Сувчи йигит”, “Ҳаёт йўли”, “Чол ва ўспирим йигит”, “Ёшлик”, “Бедана ушлаган бола” картиналаридан мохрона фойдаланган, ва бу ҳам ўз навбатида тасвир стилистикасини яратишда қўл келган.

Режиссёр ва рассом Мавзур Маҳмудовнинг “Чироқ кўтарган мушук” (2004) анимацион фильми ҳам ўзбек халқ эртаги асосида “Ўзбекфильм” киностудиясида суратга олинган. Бир кўришда “Арманфильм” киностудиясида ишланган Р.Саакаянц анимацион фильмларидаги





тасвирий стилистикасига ўхшаш этиб ишланган примитив анимацион фильм деб фикр юритиш мумкин, аммо ундаги драматургия, режиссура, тасвирий ечим ва персонаж образлари бутунлай бошқа. Албатта ундаги мазмун оддий ўйин учун муккасидан кетмаслик, унинг учун барча бойлик, умр ва бахтдан воз кечмаслик болаларга уқтирилган, аммо бунинг орқасида яширинган туб моҳият анча теранроқдир.

Ўз ҳаёти ва бойлигини гаровга қўйиб кампир билан шахмат ўйнаган савдогар йигит “Инжил” мавзусидаги инсон ва иблис ўртасидаги ўйинни эслатади. Инжил мавзусидаги айнан ушбу воқеяга кўплаб бадий асарлар, хайкаллар, картиналар, фрескалар, киноларда мурожаат этилган. Масалан И.В.Гётеннинг “Фауст”, М.Булгаковнинг “Уста ва Маргарита”, бадий асарларида, рассом Ие.Босх, П.Брейгель картиналарида, Готика архитектурасидаги хайкалларда ва фрескаларда, И.Бергманнинг “Еттинчи муҳр” фильмида, К.Кислёвскийнинг “Декалог” фильмида, Р.Поланский ва бошқа кўплаб ижодкорларнинг яратган асарларида кўришимиз мумкин. Режиссёр эса ушбу материаллардан мохирона фойдалана олган ва бу мавзуга ўзининг муносабатини тўлоқона курсатиб билган.

Бундан ташқари поэтикани, яъни, мюзикл жанрини ҳам ушбу анимацион фильмда қориштириб, ўзгача бир шарқона тасвири яратган десак адашмаган бўламиз. Бадий тасвирдаги колорит ва қуринишларда эса, шарқ миниатюраси тасвирларига мурожат этган.

Рассом ва режиссёр Дмитрий Власовнинг “Чалпак ёққан кун” (2013) анимацион фильми ўз навбатида ўзбек халқ эртаклари асосида ишланган. Фильм мазмуни кўпчилик эртаклар каби туғри сўзликга, алдамасликга, тенгликга, ҳақиқатга ундайди. Сюжет кўпроқ Насриддин Афанди ҳақидаги латифалар, ҳикоялардан бирига ўхшаш. Лекин буни анимация автори ҳам режиссерлик, ҳам тасвирий жиҳатдан соддалаштирган: ундаги воқеалар ҳудди ўз замонамиздаги яқин бир қишлоқда содир бўлаётгандек.

Шунинг учун ҳам анимацион фильм максимал даражада примитив ва динамик жиҳатдан жуда юқори. Айниқса, кириш қисми, бир эпизоддан иккинчи эпизодга ўтишлар, эпизод ичидаги актив ҳаракатлар томошабин эътиборини биринчи кадрлардан-оқ жалб қилади ва ҳеч қанақа оғирлик туғдирмайди, битта нафасда, енгил кайфиятда кўриб тугатиладигандек. Сўзаналарнинг ҳар томонга очилиб ёпилиши саҳна пардаси очилиб бир актнинг тезлаштирилган кўринишидаги спектакль томошасини кўраётгандек бўласиз.

Албатта анимацион тасвирдаги миллийликни кучайтириш мақсадида миллий гилам ва сўзана геометрик орнаментлари ва адрас матоларнинг стилистик қуринишларидан фойдаланилган.

Ушбу фильмдаги ҳикоячи сифатида дубляжда Обид Асомов овоз бергани юқорида тутилган барча жиҳатларни ва ҳажвийликни янада кучайтириб берган. Ҳозирда юртимизда киномотография билан анимация соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бугунги кунда ёшларга ғоявий эстетик завқ берувчи ватанпарварлик, қаҳрамонлик ғоялари акс этган фильмларга талаб юқори.

Биз ҳаммамиз эртакларни яхши кўрамиз, чунки биз эртақ эшитиб катта булганмиз. Бувилармиз, оналармиз уларни бизга ўқидилар. Бир хил ота- оналар болаларига эртақ китоблардан ташқари эртакларга асосланган қизиқарли анимацион фильмлар кўрсатади ва биз узимиз ҳам уларни севиб томоша қиламиз.



**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. 2017 йил 7 августдаги Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида - Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори
2. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Давлат илмий нашриёти, Тошкент. 2012.
3. М.Тўлахўжаева, Т.Қозокбоев “Драма назарияси” Тошкент.2013
4. Власов М. Виды и жанры киноискусства. Москва: Знание, 1976
5. Н.Каримова “Киноиндустрия Узбекистана и её вклад социальное-экономическое развитие страны” Ташкент, 2009
6. В.С Малышев “Кинематограф Узбекистана и ВГИК” Москва, 2018
7. Абулкасимова Х. “Рождение узбекского кино”, Ташкент. 1965

